
Душанба

Тошкент форуми:

БИЗНИНГ МАКСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ — МУШТАРАК



4 май куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Европа Тикланиш ва тараққиёт



барқарор тараққиётни таъминлаш керак. Одамлар банкнинг фаолияти, мақсадлари ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлса, молиявий операцияларнинг ама-

секторни қўллаб-қувватлаш орқали кўмакни кучайтириши мумкинлигини айтди. У 2002 йил июнда ЕТТБ ва бир қанча донор ташкилотлар томонидан Марказий Осиёга сармоя киритиш борасидаги таваккалчиликни кафолатлаш бўйича махсус жамғарма тузилганини маъқ-

Мажлисда Грузия, Қозогистон, Киргизистон ва Тожикистон президентлари сўзга чикди.

ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши мажлисининг иккинчи сессиясида Греция, Украина, Япония, Швейцария, Туркия, Европа Иттифоки, Польша, Швеция, Словакия, Испания, Руминия, АҚШ, Нидерландия, Россия, Исроил, Туркманистон делегациялари рахбарлари, ЕТТБ бошкарувчиларининг хисоботлари

тингланди. Тошкент анжумани давом этмокда.

(¥3A). СУРАТДА: Халкаро анжуманнинг очилиш маросимидан лавха. Абдувохид ТЎРАЕВ

олган сурат.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йигилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутки

Мухтарам Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Президенти жанобла-

Мухтарама Бошқарувчилар Кенгаши Раиси! Хурматли Бошқарувчи-

Хурматли давлат рахбар-

Хонимлар ва жаноблар! Сизларни — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йигилиши иштирокчиларини кутлаш ва барчангизга ўзимнинг юксак эхтиромимни изхор этиш менга гоят катта мамнуният бахш этади.

Менга бу ерда хозир бўлган Марказий Осиё минтакаси давлатлари президентлари, Грузия Президенти Э.А.Шеварднадзе, Хукумат бошликлари, Марказий банкларнинг рахбарлари, етакчи халкаро сиесий ва молиявий институтлар вакиллари, банкирлар ва ишбилармонларни қутлаш ва бехад банд бўлишларига қарамай, мазкур анжуманда иштирок этиш имконини топганлари учун уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдиришта рухсат бергайсиз.

Бундай нуфузли халқаро молиявий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши нафакат Узбекистоннинг молиявий-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий хаётида, балки бутун Марказий Осиё минтакаси тараккиётида мухим роль ўйнайди, десам, ўйлайманки хато бўлмайди.

ЕТТБнинг йиллик анжуманига тайёргарлик кўриш жараёнининг ўзи Узбекистонда демократик ривожланиш ва жамиятни янгилаш, эркин бозор иктисодиёти асосларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларни ва инвестиция дастурларини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни яна бир бор юксак профессионал даражада танқидий бахолаш учун қулай шароит яратди. Биз, биринчи навбатда, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан хамкорлигимизнинг қанчалик фойдали ва самарадорлигини холис бахолаш имконига эга бўлдик.

Мен ушбу минбардан туриб, бутун масъулиятни

зиммамга олган холда шуни айтишим жоизки — Европа Тикланиш ва тараққиёт Банкининг Узбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардаги, мамлакатимизнинг изчил демократик хамда иктисодий янгиланишидаги ўрни ва ахамияти

бекиес. Анжуманнинг барча иштирокчиларига такдим этилган материаллар билан жиддий танишган одам, ўйлайманки, бунга ишонч

хосил қилиши мумкин. Кейинги йилларда мазкур банк Узбекистон иктисодиётига 750 миллион доллардан зиёд сармоя киритди. Унинг иштирокида олтин қазиб олиш бўйича "Зарафшон-Ньюмонт" каби йирик қушма корхоналар, бир қанча қушма банклар ва лизинг компаниялари ташкил этилди, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи ва Сирдарё ГРЭСи реконструкция қилинди, Тошкент халқаро аэропорти замонавий андозалар асосида қайта таъмирланди хамда мамлакатимиз иктисодиётини ривожлантиришда нафакат катта, балки устувор ахамиятга эга бўлган бошқа қатор лойихалар амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банк қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияларини очди. Шу билан бирга Банк инвестициялари биз учун ўта мухим ушбу сохага бошка халкаро тузулмалар ва сармоядорларнинг 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган маблагларини жалб этишда кучли омил ва яхши намуна бўлди.

Бажарилган лойихалар ва ишга туширилган объектлар руйхатини яна давом эттириш мумкин. Бирок мен хамкорлигимизнинг бошка томонларини хам қайд этмоқчиман.

Банк ўз инвестициялари ёрдамида иктисодиёт сохаларининг таркибий янгиланиши ва ислох килинишида, хусусийлаштириш жараёнларининг чукурлашувида, хусусий секторни ривожлантиришда, энг мухими, мамлакатимизда янги синф - тадбиркорлар синфининг ривож топишида

Ижозатингиз билан, ушбу вазифалар хакида кисқача тўхталиб ўтсам. Узбекистонда тоталитар тузумдан хукукий демократик давлатни шакллантиришга ўтиш даврида ижтимоий янгиланиш ва бозор ислохотларини амалга ошириш учун асос бўлган бешта та-. мойилда қуйидагилар таъкидланган: иктисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислохотчи эканлиги; бошқарув ва хўжалик юритишнинг барча погоналарида қонун устуворлиги ва етакчилиги; кучли ижтимоий сиёсат; ислохотларни боскичмабоскич, бошкача айтганда, эволюцион тарзда амалга ошириш. 1992 йилдаёқ эълон қилинган ушбу тамойиллар бугунги кунда хам ўз ахамияти ва долзарблигини йўқотган эмас.

> Айни вақтда, давлат ва жамиятни изчил ривожлантиришдаги хар бир боскич янги қонунлар қабул қилишни, мамлакат ва иктисодиётни модернизациялашнинг замонавий шартларига мос ва мувофик бўлган тамойил ва талабларни амалга оширишни такозо этади.

амалий ёрдам кўрсатмокда.

мизнинг бундай аник мак-

садларга йўналтирилганли-

ги бугунги кунда Узбекис-

тон демократик ва бозор

ислохотларини жадаллаш-

тириш ва чукурлаштириш,

фукаролик институтларини

ривожлантириш борасида

ўз олдига қўйган жорий ва

стратегик вазифаларга тўла

мос келади.

ЕТТБ билан хамкорлиги-

Бу сохадаги ишларнинг ахволини танқидий бахолар эканмиз, биз бир нарсага ишонч хосил қиламиз: олға харакатланишимиздаги асосий тўсик — бу ислохотларни амалга оширишдаги ярим-ёртилик, яъни бошланган ўзгаришларни мантикий нихоясига етказилмаслигидир. Бу - консерватизм, онгимизга ўрнашиб қолған эскича фикрлаш асоратлари, тўрачилик, кадрларнинг тайёр эмаслиги, уларда тажриба ва билим стишмаслигидир.

(Давоми 2-бетда).

«ИКТИСОДИЙ ОЛИМПИАДА» БОШЛАНДИ

Анжуманнинг очилиш маросимига Ўзбекистон, Қозогистон, Қиргизистон, Тожикистон ва Грузия президентлари, кўплаб мамлакатлардан хукумат делегациялари, нуфузли халқаро молиявий муассасалар вакиллари, йирик сармоядорлар, ишбилармонлар ташриф буюрди.

Мажлисни ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши раиси, Буюк Британиянинг халкаро тараккиёт масалалари бўйича давлат котиби Клейр Шорт хоним очди.

Анжуманда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутк сўзла-

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси ўз нуткида

Ислом Каримов, Эдуард

Шеварднадзе, Нурсултон

Назарбоев, Имомали Рах-

монов ва Аскар Акаев иш-

тирокида куп томонлама

музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда мамлакат-

лар ўртасидаги хамкорлик

муносабатларини, жумла-

дан, савдо-иктисодий ало-

қалар куламини янада кен-

гайтириш, халқаро майдон-

да юзага келган вазият,

МДХ доирасида кечаётган

жараёнлар, Афгонистон ва

Ирокни тиклаш билан бог-

лиқ масалалар мухокама

стлар билан учрашувда

пойтахтимизда ўтаётган

ЕТТБ саммити хусусидаги

нинг Тошкент саммити

нафакат Узбекистон, бал-

ки Марказий Осиё мамла-

катлари хаётида хам тари-

хий вокеа эканлигини ало-

Ислом Каримов Тош-

хида таъкидлади.

Ислом Каримов ЕТТБ-

фикрларини баён қилди.

Президентлар журнали-

қилинди.

ўтган йили дунё иктисодиёти муайян қийинчиликларни бошдан кечирганига қарамай, мазкур банк кредит ажратишда ўзига хос рекорд қўйганини маълум қилди. 2002 йили банк 3,9 миллиард евролик кредит ажратди.Шунинг 1,35 миллиарди Марказий Осиё мамлакатларига йўналти-

рилди. Европадаги саккиз мамлакат Европа Иттифокига аъзо бўлиш учун расман таклиф этилган. Шу муносабат билан энди ЕТТБ уларга ёрдам кўрсатишни тўхтатиб, Шарққа эътибо-

рини кучайтиради. Банк катта тажриба ва технологияларга эга. К. Шортнинг таъкидлаши-

ПРЕЗИДЕНТААРНИНГ

ТОШКЕНТ

УЧРАШУВЛАРИ

Тошкентда ўтаётган Европа Тикланиш ва тараққиёт

мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф

буюрган Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон

кентда ўтаётган мазкур ну-

фузли анжуман нафакат

Узбекистонга, шу билан

бирга Марказий Осиё дав-

латларига келаётган сармоя

хажмининг кескин ошиши-

га, минтакадаги интеграция-

лашув жараёнини янада

жадаллаштиришга, биноба-

рин, Марказий Осиё мам-

лакатларининг иктисодий

юксалишига улкан хисса

қушишига ишонч билдир-

ди. Грузия, Қозоғистон, То-

жикистон ва Киргизистон

рахбарлари хам ушбу фо-

рум минтака хаётидаги та-

рихий вокеа эканини таъ-

кидлади. Президентлар ан-

жуманнинг Узбекистонда

ўтаётгани мамлакатимизда

амалга оширилаётган исло-

хотларнинг самараси эка-

нини ва бунда шахсан

Узбекистон Президенти

Ислом Каримовнинг улкан

хиссаси борлигини алохида

қайд этди. Улар Тошкент

анжумани минтака давлат-

лари ўртасидаги хамкор-

ликни мустахкамлаш,

Президентлари 4 май куни Узбекистон Республикаси

банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик

ча, халқаро ҳамжамият Марказий Осиёга кенг ёрдам кўрсатиш заруратини энди англаб етмокда. Мазкур минтақадаги мамлакатларда амалга оширилаётган ислохотларга кўмаклашиш учун уларга кўрсатилаётган ёрдамни янада кенгайтириш чораларини кўриш керак.

Бунинг учун минтақа мамлакатлари инсон хукукларини таъминлашта алохида эътибор бериши, хусусий секторни кенг қўллаб-қувватлаши зарур.

К. Шортнинг айтишича, Марказий Осиёда фаолият юритаётган халқаро молия ташкилотларининг операцияларини мувофиклаштиришни такомиллаштириш,

ЕТТБ президенти Жан Лемьер ҳам ўз нутқида мазкур банк бундан кейин Марказий Осиёга эътиборини кучайтиришини таъкидлади. Банк операциялари амалга ошириладиган мамлакатлар орасида мазкур минтақа давлатлари иқтисодий жиҳатдан бирмунча орқада. Лекин уларда иқтисодий салохият жуда катта. Бу салохиятни тўла ишга солиш учун эса сармоя мухитини яхшилаш ва минтақавий ҳамкорликни ри-

лий самараси янада ортади.

Ж.Лемьер Марказий Осиё мамлакатларига кўпчилик ёрдам қўлини чўзишга шай эканлигини, жумладан, ЕТТБ хусусий

вожлантириш лозим.

Xammacu

Кенжи НАКАЗАВА, ЕТТБиниг Тошкентдаги булими бошлиги.

Узбекистон банкимизнинг Марказий Осиёдаги энг мухим хамкори булиб келмокда. 2002 йил 31 декабрь холатига кура, ЕТТБ Узбекистонда умумий микдори 612 миллион евро булган 18 та дастур ва лойихаларни имзолаган. Унинг 54 фоизи хусу-

сий ва 46 фоизи давлат секторига тўгри келади Узбекистон хукумати йирик давлат корхоналари ва банкларни хусусийлаштириш бўйича янги дастурни бошлаган. ЕТТБ мазкур дастурни құллаб-қувватлашдан манфаатдордир. Хусусийлаштириш дастурига «Асакабанк» ва «Узбектелеком» хам кушилган. Сармоя сарфлашта яратилган құлай шароит туғридан-туғри хорижий инвестицияларни купайтирицда мухим омил санала-

Тошкентда ўтказилаётган Йиллик йигилиш Марказий Осиёда ташкил этилган халқаро молиявий муассасалар талбирлари ичида энг йиригидир. ЕТТБ макроиктисодий ва тузилмавий ислохотларни олдинга силжитиш учун сиёсий мулокотини давом эттираверади.



ўзгаришлар Бўлади

Девид ПИРС, Бутунжахон банкининг Узбекистондаги ваколатхонаси рахбари.

Бутунжахон банки Узбекистоннинг асосий хамкорларидан бири саналади. Мамлакатингиз 1992 йил сентябрь ойида Бутунжахон банки ва Халқаро Тараққиёт ассоциациясига аъзо бўлди. Банкнинг фаолияти қуйидаги йўналишларда йўлга

куйилади: валюта ва савдо тартибларини эркинлаштириш максадида иктисодий сиесатнинг асосий кондаларини такомидлаштиришга кумаклашиш;

хусусий секторни тўгридан тўгри-хорижий сармоя киритиш билан ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш; давлат ресурсларини таксимлаш ва фойдаланишда, хусусан

ижтимоий инфратузилма сохасида самарадорликни ошириш; мамлакат ирригация-мелиорация сохасида техник хизмат кўрсатиш ва ишлатиш тизимини мустахкамлашдан иборат. Хозирги пайтда 2002 — 2004 йилларда 450 миллион АКШ

долларигача кредит бериш кўзда тутилмокда. ЕТТБинит Тошкент анжумани Узбекистоннинг хакикий имкониятларини бутун дунёга намойиш этмокда. Микёси жихатидан энг катта тадбир якин йнллар ичида мамлакат иктисодий тараққиётида сезиларли ўзгаришлар киритишига астойдил

Президенти Ислом Каримов билан учрашди. транспорт алокаси, жумладан, ТРАСЕКА дастури доирасидаги алоқаларини кучайтиришда, демак, нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ минтакаси, хусусан, Грузиянинг иктисодий юк-

> билдирди. Шу куни давлатимиз рахбарининг Козогистон, Тожикистон ва Киргизистон президентлари билан яккама-якка учрашувлари

> салишида хам мухим ахами-

ят касб этишига ишонч

бўлиб ўтди. Мулоқотлар чоғида президентлар ўзаро икки томонлама ва куп томонлама хамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иктисодий, маданий алоқалар куламини янада кенгайти» риш, халқаро террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, диний экстремизм каби иллатларга қарши биргаликда курашишта оид масалалар юзасидан фикр

алмашди.

(¥3A).

БИЗНИНГ МАКСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ - МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йигилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан икки йил аввал биз Ўзбекистонда ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, қонунчилик, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларини эркинлаштиришга ҳаратилган яқин йилларга ва узоқ истиҳболга мўлжалланган Дастур ҳабул ҳилган эдик ва уни муваффаҳиятли амалга оширишдан умидимиз катта.

Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, айнан мамлакатда амалга оширилаётган эркинлаштириш жараёнлари туфайли Узбекистонда ялпи ички махсулотнинг 4-5 фоиз микдорда барқарор ўсишига эришилди, бозор инфратузилмаси, молиявий, банк ва хукукий институтлар мустахкамланди, хусусийлаштириш ва хусусий тармокни жадал ривожлантиришнинг мутлако янги тамойил ва услублари қабул қилинди, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва пул агрегатлари мутаносиблиги яхшиланди, инфляция жараёнлари кескин пасайди, валюта бозори ислох килинди ва миллий валюта курсини бирхиллаштиришга эришилди.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиманки, 2002 йилда Халқаро валюта жамғармасининг Мониторинг Дастурида кўзда тутилган деярли барча тавсияларнинг бажарилгани келгусида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш ва ХВЖнинг VIII моддасини имзолаш учун қулай асос яратади, янги истиқболлар очади.

Буларнинг барчаси шу йил 1 май куни ХВЖ нинг Жон Одлинг-Сми бошчилигидаги ушбу анжуманда қатнашаётган делегацияси билан бўлиб, ўтган музокараларда яна бир бор тасдикланди.

Уйлайманки, сизлар мамлакатимизда 2002 йилнинг январида ўтказилган референдум натижаларига кўра, парламентимизнинг сўнгги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган туб демократик ўзгариш ва қўшимчалардан хабардор бўлсангиз керак.

Уларнинг асосий мохияти куйидагилардан иборат: Узбекистонда икки палатали парламент шакллантирилади. Хокимиятнинг конунчилик, ижро ва суд тармоклари томонидан уларнинг ваколатлари мустакил, янада демократик ва янада ўзаро мувозанатни саклаган холда бажарилиши учун шароит ва кафолатлар яратилади.

Конунчилик хокимияти - парламентнинг Бош вазирни сайлаш, мамлакат хукуматини шакллантириш ва фаолиятини назорат қилиш борасидаги ўрни ва ахамияти сезиларли даражада ортади. Президент ваколатларининг бир кисми, жумладан, давлат, ижроия, суд ва дипломатик тузулмалар, махсус хизматлар ва прокуратура рахбарларини тасдиклаш ваколати янги сайланадиган Юқори Палата - Сенат ихтиёрига ўтади. Илгари Президент томонидан бажаридган Вазирлар Махкамаси Раиси ваколатлари Бош вазирга берилади.

Уйлайманки, давлат курилиши ва бошқарувидаги принципиал аҳамиятга эга булган ушбу узгаришлар фаҳат бир нарса — давр талаби, мамлакатимиз давлат тизимидаги демократик янгиланишларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш йулида олға боришимиз учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йуқ.

Биз жамиятимизнинг келгуси тараққиётини марказлаштиришдан воз кечиш, ҳокимият ваколатларини марказдан жойларга бериш, давлат, айниқса назорат ва текширув органларининг тижорат, ҳусусий ва тадбиркорлик тузулмалари фаолиятига аралашувини кескин чеклаш билан уйгунликда кўрамиз.

"Иқтисодиётда давлат улушини камайтириш" шиори мамлакатда тобора

оммалашмокда.

Бу йўналишда кўп ишлар қилинди, хусусий ва тадбиркорлик тармоги, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиш сурьатларига оид аниқ мисолларда ҳам буни кўриш мумкин. Бугунги кунда уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти умумий ҳажмидаги ҳиссаси 34 фоизни ташкил қилади.

Биз нохукумат ва жамоат ташкилотлари, фукаролар ўзини ўзи бошкариш органларининг ўрни ва ахамиятини кучайтиришга катта эътибор бермокдамиз. Нодавлат ва жамоат тузулмаларининг, биринчи навбатда демократик қадриятлар, одамларнинг хукук ва эркинликлари, қонуний манфаатларини химоя қилиш, давлат хокимияти органлари ва хукук-тартибот идоралари фаолияти устидан тўрачилик ва коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ўрни ортиб бораетганини куриб ту-- рибмиз.

Биз оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ахборот сохасини жадал ривожлантиришни фукаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнининг мухим таркибий кисми деб бахолаймиз. Бугун мустакил нашрлар жадал шаклланмокда. Матбуотда цензура тўлик бекор килинган.

Бугун биз суд-хукук ислохотини чукурлаштириш буйича конунчиликда хам, амалиётда хам куп ишлар киляпмиз. Бу ислохотлардан максад конун устуворлиги ва фукароларнинг хукук хамда эркинликлари химоясини таъминлаш, конунчиликни эркинлаштириш ва унинг инсонпарварлик рухини кучайтириш, суд тизими мустакиллигини янада оширишдан иборат.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, шуни аниқ ва қатый таъкидламоқчиман: Ўзбекистон танлаган йўл — умуминсоний ва умумэтироф этилган демократик қадриятларга эришишга қаратилган, кўп асрлик маданиятимизнинг энг сара ютуқлари, миллий анъаналаримиз, аждодларимиз динига бўлган садоқатимиз билан уйгунлашиб кетган йўл — биз учун ўзгармас-

Мана шу барча қадриятларга содиқ қолган қолда биз, айни вақтда ўз келажагимизни Европа тараққиёти, маданияти ва ривожланган иқтисодиётига интеграциялашувда кўрамиз. Бунда, фикримизча, ҳеч қандай қарама-қаршилик

Хонимлар ва жаноблар! Энди, ижозатингиз билан, бугунги кунда умуман Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган вазият, шунингдек, уни бевосита белгиловчи омиллар ҳаҳида ҳисҳача тўхталиб ўтсам.

Минтақадаги ҳолатга у ёки бу даражада таъсир этаётган бир қанча омиллар орасидан мен сўнгти пайтгача вазиятта жиддий салбий таъсир кўрсатаётган, жамиятда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиланишлар йўлидан олға силжишимизга ғов бўлаётган энг муҳим икки омилни ажратиб кўрсатган бўлар

Улардан биринчиси — кушни Афгонистонда 20 йилдан ортик давом этган уруш булиб, унинг окибатида бу мамлакат, аслини олганда, турли тоифадаги халкаро террорчилар ва экстремистларнинг полигонита, эхтимолки, дунёдаги энг йирик наркотиклар ва наркотрафик манбаига айланиб колди.

Халқаро терроризмнинг 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда амалга оширган вахшиёна хуружи бизга шунча йиллар давомида тахдид солиб келган мана шу ёвуз кучнинг бутун ин-

соният учун қанчалик катта хавф туғдириши мумкинлигини кўрсатди.

АҚШ бошчилигидаги антитеррор коалициянинг ташкил этилиши натижасида жангари толиблар, терроризмнинг уяси ва базаларининг яксон қилинишигина минтақадаги давлатлар ва халқларга осойишталик келтирди.

Авваламбор, халқаро хамжамиятнинг диккат эътибори ва катта ёрдами туфайли Афгонистонда кечаётган бугунги ижобий жараёнлар нафақат мамлакатнинг тинч қайта тикланиши, балки улкан Марказий Осиё худудида давлатлараро алоқаларни қамраб олувчи кенг микёсли коммуникация лойихаларини амалга ошириш учун имконият яратади. Бундан эса минтакадаги аксарият давлатлар хамда халқаро молиявий тузулмалар тенг манфаатдордир.

Иккинчи омил — бу СССР парчаланиб кетганидан кейинги даврдаги бутун собиқ шўро давлати худудида, шу жумладан, бизнинг минтақамизда кечаётган, ўз табиатига кўра объектив бўлган жараёнлардир.

Бу — тоталитар, маъмурий-буйрукбозлик, таксимот тизимидан биз учун янги бўлган демократик хукукий тизимга ўтиш, эркин бозор иктисодиёти асосларини шакллантириш жараёнларининг бирмунча огир ва мураккаб кечаётганидир.

Мамлакатларимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда бозор ислоҳотларининг турли даража ва миҳёсда экани минтаҳа ҳудудида ҳўшма лойиҳаларни амалга оширишга жиддий тўсиҳ бўлмоҳда.

Аммо мазкур анжуманнинг барча иштирокчилари учун шу нарса аниқ бўлиши керакки — бугун Марказий Осиё минтакасида иктисодиётнинг турли сохаларида кенг куламли инвестиция ва интеграция лойихаларини амалга ошириш учун, хеч бир муболағасиз, беқиёс истиқболлар очилмокда, капитал ва товарлар учун қудратли ва улкан бозор юзага келмоқда, бир сўз билан айтганда, муваффакиятли бизнес учун зарур шарт-шароитлар мавжуд ва яратилмокда.

Биз, албатта, бундай истикболларни кўролмайдитан кучлар борлигини хам этибордан соқит қила олмаймиз.

Минтақадаги умумий вазиятни ўта мураккаб деб кўрсатишга, Афгонистондаги барқарорлик бузилиши, толибларнинг, турли хил жангари диний ва террорчилик гурухларининг қайта бош кўтаришлари мумкинлиги ҳақида башорат қилишга уринишлар ҳам йўқ эмас.

Минтақада бизнес ва инвестициялар учун маълум бир хавф мавжудлиги ҳақида куп гапирилмоқда. Бу борада нима дейиш мумкин?

Тўгри, Афгонистонда ҳақиқий тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига ҳали анча вақт бор.

Аммо, шунча воқеаларни биргаликда бошимиздан кечиргандан сўнг, жахон хамжамияти Афгонистоннинг қайта тикланиши йўлида давом этаётган ижобий жараёнлар орқага чекинишига йўл қўймайди, дея ишонишга бугун бизнинг барча асосларимиз

Ироқни қуролсизлантириш буйича олиб борилган қарбий операцияларнинг бошланишидан олдин ҳам, бу жанговар ҳаракатлар жараёнида ҳам уларнинг фожеали ва ҳалокатли оқибатларга олиб келиши, биринчи галда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариши хусусида жуда куп башоратлар, тахминлар ва фикрлар билдирилди.

Узбекистон, сизларга яхши маълумки, аввалбошданок бу масалада аник ва катъий йўл тутиб, АҚШнинг позицияси ва сиёсатини кўллаб-кувватлади. Айтиш жоизки, Узбекистоннинг ушбу принципиал, айни вақтда пухта, чуқур ўйланган позицияси кўп жиҳатдан минтақада Ироқ муаммоси бўйича эҳтиросларнинг авж олишига йўл қўймади.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар мамлакатларимизнинг бугуни ва эртанги куни учун динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, минтаҳада тинчлик ва барҳарорликни саҳлаш борасидаги барчамизнинг саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш наҳадар катта аҳамиятга эга эканлигини таҳрор ва таҳ-

рор тасдиқламоқда.
Барчамиз муносабатларимиздаги самимийлик, очиқлик ва эркинлик иқтисодий тараққиётимиз учун улкан аҳамиятга эга эканлигини, интеграциялашув жараёнларини жадаллаштириш ҳамда минтақада ягона умумий бозорни шакллантириш ҳанчалик муҳимлигини яҳши тушуниб турибмиз.

Марказий Осиё ҳудуди геосиёсий рақобат ва ҳар-бий-сиёсий блоклар шаклланадиган майдонга айланмаслиги, унинг улкан ресурс ва иқтисодий салоҳияти эса ушбу минтақада яшаёттан халқлар тараққиёти ва фаровонлигидан манфаатдор бўлганларнинг барчаси учун очиқ бўлиши керак, десам, ўйлайманки, ҳамкасбларимнинг умумий фикрини ифода этган бўламан.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

2001 йил 11 сентябрдан кейинги вокеалар ривожини, Афгонистон ва Ирокда олиб борилган террорчиликка қарши тадбирлар якунларини диққат билан кузатаетганларнинг барчаси дунё сиёсий ва иктисодий харитасидаги ахвол, кучлар мувозанати қанчалик тез ўзгараетгани, хакикатан хам оламшумул, биринчи навбатда, коммуникация лойихаларини амалга ошириш учун қандай имкониятлар очилаётганини қайд этмаслиги мумкин эмас.

Энди, ижозатингиз билан, халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора кўпроқ ахамият касб этиб бораётган Марказий Осиё ва Кавказнинг улкан геостратегик ва геосиёсий, бой ресурс имкониятларига эга минтақалар сифатидаги ўрни хусусида тўхталиб ўтмоқчиман, — Ушбу салохиятдан

фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири — бу, биринчи галда, улкан минтакамиздаги иктисодий хамкорликни мустахкамлашдан иборат бўлмоги даркор.

Шу муносабат билан Европа Тикланиш ва таракқиёт банки Осиё тараққиёт банки ва Жахон банки билан ҳамкорликда ўрта ва узок муддатли истикболга мўлжалланган ҳамда ушбу жараёнга Марказий Осиё минтакасининг мухим интеграциялаштан қисмига айланиши лозим бўлган Афгонистонни хам фаол жалб қилишни кўзда тутувчи минтакавий иктисодий хамкорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чикишга кўмаклашса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизнингча, бундай ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши керак:

биринчидан, янги, куп вариантли коммуникация ва транспорт, шу жумладан, автомобиль ва темир йул тармогини яратиш. Ушбу тармоқлар келгусида Хинд, Атлантика ва Тинч океанларининг мухим портларига чикиш имконини берадиган ягона, ўзаро богланган транспорт коммуникациялари тизимига айланиши лозим. Бу борада ташкил этилаёттан коммуникацияларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, логистика тизими, юкларни энг кам сарф-харажат ва божхона тусикларисиз юклаш, транспортда ташишнинг самарали механизмини яратиш зарур;



иккинчидан, минтақа мамлакатларининг углеводород хомашёсига бой захираларининг истиқболли бозорларга чиқишини таъминлайдиган магистрал қувурларни модернизация қилиш ва ривожлантириш;

учинчидан, сув ресурслари самардорлигини ошириш ва улардан окилона фойдаланиш бўйича максадли дастурни ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

тўртинчидан, амалдаги магистрал тармоқлар ва электр қувватини ишлаб чиқарувчи тизимларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган минтақавий инфратузилмани ривожлантириш;

бешинчидан, минтақа мамлакатларига кескин ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш борасида саъй-ҳаракатларни мувофиҳлаштиришга, соғлиҳни саҳлаш ва таълим тизимини ривожлантиришга

кўмаклашиш.
Ушбу йўналишларни муваффакиятли амалга ошириш минтакалараро савдо-иктисодий алокаларни ривожлантириш, Буюк Ипак йўлини замонавий асосда кайта тиклаш борасида мухим кадам бўлади. Мухтарам хонимлар ва

жаноблар!
Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг шўро салтанати қулаганидан кейин мустақиликка эришган мамлакатлар билан тенгдош эканида чуқур рамзий

Мамлакатларимизни қайта тиклаш ва янгилаш борасида босиб ўтган мураккаб йўлимизни тахлил қилиш, келажакда минта қавий ва халқаро интеграциялашув бўйича белгиланган режалар, умумэтироф этилган демократик мезонлар ва қадриятларга эришиш бизга келажакка ишонч ва умид билан қараш имконини беради.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш бугунги кунда ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда мухим шеригимизга айланган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни кучайтиришга кўпроқ боглиқ, деб биламиз.

Ишонаманки, ўтказилаётган Бизнес-форум ва мамлакатлар такдимотлари жараёнида ишбилармон доираларнинг обрули вакиллари янги алоқалар ўрнатишади ва янги истикболли лойихаларга асос солишади. Шу кунларда бўлиб ўтадиган самарали мунозаралар эса муносабатларимизни янада тараққий эттириш ва куп томонлама хамда иккитомонлама асосда хамкорликни ривожлантиришта ёрдам беришита умид қиламан.

Аминманки, шу кунларда сизлар ўзбек халқинингочиқ кўнгиллилиги ва мехмондўстлигини хис қиласиз, унинг кўп асрлик тарихи, бой маънавий мероси, миллий маданияти ва анъаналари билан таниши имконига эга бўласиз, янги дўстлар ва бизнес хамкорлар орттирасиз.

Сўзим якунида инглиз ёзувчиси ва сайёхи Редьярд Киплингнинг "Шарқ бу — Шарқ, Гарб бу — Гарб ва улар хеч қачон бирлашмайди", деган иборасини эслатмокчиман.


Уйлайманки, Киплинг унчалик ҳақ эмас. Бизнинг бугунги форум, Европа ва Марказий Осиё вакилларининг, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган Тошкент шаҳрида битта залда тўплангани ва саъй-ҳаракатларимизни халқларимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш истиқболларини биргаликда муҳокама этаётгани шундан

далолат беради. Эътиборингиз учу

ташаккур.

Кеча Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг бизнесанжумани ўз ишини бошлади. «Интерконтиненталь» мехмонхонасининг Амир Темур зали анжуман мехмонлари ва қатнашчиларига ўз эшикларини кенг очди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, иктисодиёт вазири ўриншай.

Норин Дойл хоним бизнес-анжуманни очаркан, иштирокчиларга самарали, унумли натижаларга эришиш истагини билдирди. Тошкентда ўтказилаёттан бундай кенг микёсли халкаро тадбир Узбекистоннинг иктисодий, сармоявий салохияти, унинг мехнаткаш ва танти халқи билан яқиндан танишиш имконини беражагини уқтирди. Дунё микёсида шунча ишбилармон ва банк ходимларининг жамлануви улар тўплаган бой тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш имконини бе-.



Фаоллашув бош мезон

ради. Ҳар ҳолда эзгу ният билан анжуманга ташриф буюрганларнинг кўнглидаги режашундай.

Дастлабки семинар сармоявий иклим масалаларига багишланиб, унинг мавзуи «Сиёсат — сармоявий иклим ўзгартиришларини тезлатувчиси» деб аталди. Семинар иши муайян тартибга курилган: даставвал мавзуга киришилади, сўнг нутклар ирод этилади ва нихоят мунозара ва савол-жавобларга вакт ажратилади. Ишбилармонлар тилида «Вақт — бу пул демакдир» деган ибора бор. Шу маънода йигилиш ахли минбарга чиққан ҳар бир нотиқнинг лунда ва омади гапни айтишини истайди. Демак, масаланинг асл мохиятини англаш

Грузия, Болгария, Россия, Сербия ва Черногория, Беларусь, Чехия ва Албания мамлакатларининг сармоявий имкониятлари хакида сўз кетди. Хар бир мамлакат ўзига хос дунё. Улар такдимот маросимларида имкон даражасида кандай сармоявий салохиятта эта эканликларини кўрсатишга харакат қилдилар. Бу тадбирларда гуе Европа ва Осие юзлашгандай бўлди. Буюк Ипак йўли ворислари очиқ жамият қуриш йўлида, чин маънода бозор муносабатларини таркиб топтириш борасида қандай манзилларга етканлигини курсатишга интилишди. Элларни элларга, дилларни дилларга туташтирувчи анъана XXI аср бошила Тошкент заминида қайта намоён оулаеттандай.



ва уни ихчам ифодалаш ҳам ўзига хос санъат. Ишбилармонлик санъати.

Семинарда сўзга чиққан Узбекистон ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов мамлакатимизда инсон хукуклари, фукаролик жамияти қуришга тааллукли барча масалалар буйича мулоқот қилиш учун эшиклар очиклигини таъкидлади. Маълумки, Узбекистонда «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» шиори остида демократик ўзгаришларнинг фаол жараёни кетмокда. Биз, деди у, мамлакатда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлса, сармоявий жараёнлар фаоллашишига ишончимиз комил. Бу борада ривожланган мамлакатларнинг натижалари Марказий Осиё минтакасида фаолият юритаетган тадбиркорлар учун яхши андоза булади.

Табиийки, ЕТТБ бизнесанжумани давомида ҳар бир мамлакатнинг тақдимоти мобайнида сармоялар, сармоявий салоҳият хусусида сўз кетади. Тошкент анжумани доирасида 27 та мамлакатнинг тақдимоти ўтказилиши кўзда тутилган. Кеча, яъни анжуманнинг биринчи куни Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Босния ва Герцеговина, Македония, Польша,

Шу куни мамлакатимиз такдимоти хам бўлиб ўтли. Унинг алохида ўринга эга эканлиги ўз-ўзидан тушунарли. Ахир Европа Тикланиш ва тараққиет банки Бошкарувчилар Кенгашининг XII йиллик йигилиши ва бизнес-анжуман айнан Узбекистон пой тахтида ўтказилаяпти. Шу маънода мазкур такдимотни Узбекистон Республикасининг бир кун олдин ўтказилган сармоявий форуми давоми дейиш мумкин. Кечаги хисоботимизда 3 майда ўтказилган форумни халкаро анжуман муқаддимасига қиёслагандик Агар таъбир жоиз бўлса, Узбекистон такдимотини Йиллин йигилишнинг авж пардасига менгзаган бўлардик. Гап фақат тақдимот мезбонлар ўтказаёттанлигида эмас, балки унга бўлган қизиқишнинг юқорилигида. Амир Темур залининг кенг сахни иштирок этиш истагида бўлганларни сиғдирол-

Узбекистон молия вазири Мамаризо Нурмуродов такдимотда мамлакатимиз иктисодий тараққиётининг устувор йуналишлари ҳақида батафсил тухталди. Энг аввало, барқарор усишни таъминлайдиган самарали иктисодиёт шаклланиши ҳақида сўз кетди. Бу ўринда бозор муносабатларини чукурлаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, рақобат муҳитини яратиш асосий устуворликлар деб ҳисобланди. Инфляцияга ҳарши сиёсат негизида ҳатьий пулкредит тартиби намоён бўлади, бу солиҳ сиёсатига ҳам янгича ёндошишни таҳозо этади.

Ташқи иқтисодий секторни, энг аввало, валюта тартибини эркинлаштириш энг муҳим йўналиш ҳисобланади. Минбарга Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат мулкини бошқариш қумитаси раиси Махмуджон Асқаров кутарилганда хориждан келган мехмонлар синхрон таржима мосламаларини қулоқларидан олиб қуйишди. Негаки, нотик тўпланганлар хузурида инглиз тилида равон сўзларди. У Узбекистонда хусусий секторга қандай эътибор қилинаётганлиги, бу борада амалий қадамлар қуйилганлиги хақида завқ билан сўзлади. Узбекистон хукуматининг «Тугридан-тугри хорижий инвестицияларни хукукий химоя килишни кучайтиришга доир кушимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги қарори хорижий сармояларни жалб этишнинг амалий дастакларини ишга солиши ҳақида, умуман мазкур қарор бошланған катта ҳаракатнинг мантикий давоми эканлиги хусусида гапирди. Шу лахзаларда кўнглимиздан «Кани энди, шундай тадбирлар кўпрок ўтказилса» деган фикр ўтди. Зотан, Узбекистон такдимоти юртимизда иктисодий ислохотларнинг самарали натижалари ҳақида ҳаетий далил сифатида намоён бўлди.

Кеча, ЕТТБ бизнес-анжумани доирасида «Савдо худуди, савдони ташкил этиш: минтақавий ҳамкорлик ва глобаллашув» ва «Ишончли тадбиркорлик: халқ ҳаётининг барқ уришида кўмак бўладитан амалий натижа» мавзуларида иккита семинар бўлиб ўтди.

Бундай семинарлар мустакиллик туфайли жахонга чикиб бораетган тадбиркорларимизни, молия ходимларимизни чархлайди, чиниктиради. Хар қандай кўзга кўринарли ишни бажариш учун биринчи шарт маблаг таъминоти эканлигини иктисодиёт илмидан йироқ одам ҳам тушунади. Лекин четдан келган сармояни билиб ишлатиш, ундан тезрок самара олиш эса хамманинг хам қулидан келавермайди. Аслида гап факат маблаг таъминотида эмас, балки ўша сармоянинг келиши учун қулай шароит яратиш-

Ш. ЖАББОРОВ «Халқ сўзи» мухбири.

Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ, Абдувохид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ШИОКАВА — ФАХРИЙ ДОКТОР

ТОШКЕНТ, 4 май (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).

Юртимизга Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик анжуманида иштирок этиш учун ташриф буюрган Япония молия вазири Масадзуро Шиокава рахбарлигидаги делегация аъзолари Узбекистон Республикаси банк-мо-

тингловчилари билан учращди. Мазкур академия Узбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан 1996 йилда ташкил этилган булиб, Япония олий ўкув юртлари

лия академияси ўкитувчи ва

билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, мазкур академиянинг биринчи проректори, Япония тараққиёт банки ижрочи директори, Васеда университети профессори Тошихара Китамура экани бу фикрнинг яққол тасдигидир.

Япония молия вазири билан учрашувда ўзаро стратейик хамкорлар хисобланувчи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораёттани таъкидланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йилда Японияга ташрифи чогида им-

золанган тарихий хужжатлар мухим асос бўлиб хизмат қил-моқда.

Япония молия вазирлигининг қўллаб-қувватлаши орқали мазкур академиянинг юздан ортиқ тингловчиси Кунчиқар мамлакат молиявий муассасаларида малака ошириб қайтди.

Учрашувда М.Шиокавага мамлакатларимиз банк-молия муассасалари ўртасидаги ало-каларни ривожлантиришта кўштан катта хиссаси учун Узбекистон банк-молия академиясининг Фахрий докторлик унвони берилди.

Тумандаги Тўхта Шобуров номли ширкат хўжалигида йигирмата тележка бўлса, шундан атиги иккитаси ишга ярокли. Қолгани шиналарининг йўқлигидан «ётиб» қолган экан. Шина харид қилайин деса, пуллари йўқ. «Пахтабанк» ёрдам қўлини чўзди - 10 миллион сўм кредит берди. Шу ёрдамнинг шарофати туфайли хўжалик қиш давомида далаларига икки минг тонна махаллий ўгит чиқарди.

Хусусий тадбиркор Жаббор Холмуродов банкдан олган 2 миллион 400 минг сўмлик кредитни муддатидан ярим йил олдин қайтарди. Чунки у маблағдан тўгри фойдаланди. Товукни кўпайтирди. Бугун унинг паррандачилик фабрикаси деб атаса арзийдиган корхонаси нафакат ўзига, балки атрофдагиларга хам даромад — фойда келтирмокда.

Банк ходимлари «Жахонгир, Махлиё» кичик корхонасининг ишларини бориб кўрдилар. Корхонада чеварлар, тикувчилар бор. Лекин имкониятлари ўзига яраша. Улар корхона бошлиғи Турсуной

Bank - bouauk mezupmohu

Мижозлар «Пахтабанк»нинг Жарқўргон туман бўлимига шундай таъриф беришмокда

Бердиева билан маслахатлашишди. Ишлаб чиқаришга 20 миллион сўм кредит жалб этишга келишдилар. Демак, яқин ўртада кичик корхона кўйлак, костюм-шим, куртка ва хатто сифати хорижникидан қолишмайдиган пальто тикиб, тахлам-тахлами билан сотувга чикарди.


- Мижозларимиз кейинги бир йилда олтмиштага кўпайди ва 312 тага етди, - дейди банк бошкарувчиси Бахтиёр Сафаркулов. -Уртадаги ришта — ўзаро ишонч. Хамкорликдан мақсад - мехнат. Одамларнинг мехнати унумли, самарали бўлмоги керак. Пул, маблағ, шартномалар ишнинг самарали бўлишига хизмат қилмоғи керак. Утган йили, масалан, биз 350 милли-

он сўмдан кўпрок кредит бердик. Мижоз тегишли хужжатларни такдим этгач, унинг бизнесрежаси, имкониятлари билан қисқа муддат ичида танишиб чикамиз. Уртадаги шартномага амал қилинишини, табиийки, назаримиздан қочирмаймиз.

Банкнинг бугунги кунда 80 миллион сўмга яқин омонат маблағи бор экан. «Қариялар қадрқиммати», «Муқаддас замин», «Она юрт» сингари муддатли омонат турлари ишлаб турибди. Банкда мужмал муносабат, мужмал-жавоб, эртаиндин келасиз деган гаплар йўк!

Бу манзарани кўриб, «Хисобли дўст — айрилмас», деган халқ мақоли бежизга айтилмаганини англагандай бўласиз.

у. олимжонов.



Наманган вилоятидаги «Чорток» очик турдаги хиссадорлик жамиятида уддабуронлик билан иш юритилаётганлиги, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилганлиги боис кейинги пайтда махсулот ишлаб чиқариш хажми кўпаймоқда. Тайёрланаётган 19 турдаги эркаклар ва болалар кийимлари, зардўзлик махсулотларининг сифати хам яхшиланаяпти. Мамлакатимиз истеъмол бозорини тўлдиришда хам бу жамоанинг алохида хиссаси бор. Тикувчи Угилой Олимова(суратда)ни хамкасблари қули гул чевар, деб хурмат қилишади. У бундай ишончга ўз мехнати билан сазовор бўлган.

Тохиржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

AËT AAPCXOHACU

 Махалла битта, муаммоси мингта, - дейди Хатирчи туманидаги Собир Рахимов номли махалла фукаролар йигини раиси Зухра Олтинова. — Агар оилаларда ҳамжихатлик таъминланса, ўша минг бир муаммо хам ечилаверади. Хўш, бунга қандай эришилади демоқчисиз? Менимча, кексаларни бирлаштириш, уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш энг маъқул йўл. Эьтибор беринг-а, ҳар бир ёш рўпарадан келган кексага, таниса-танимаса, салом бериб ўтиши ота-боболаримиздан қолган удум. Кексаларнинг юриш-туриши, ўзаро борди-келдилари мағзида ётган хурмат оилаларга кўчганда уддаланмайдиган юмуш

хаммага аён. Зухра опа барча тадбирларни кексалар ўгити, уларнинг бевосита иштирокида ўтказишта одатланган. Худуддаги 552 оиланинг хаммасига бу маълум. Оила бошлиқлари эса беканинг энг яқин ёрдамчиси, маслахатгуйи. Шу тариқа оилалардаги мехр, хамжихатлик махалла хаёти билан уйгунлашаверади.

қолмайди. Тарбия бешиги улар

қўлида. Хар бир фукаронинг ма-

халла олдидаги масъулияти хам

улар ибрати орқали шаклланиши

Утган йили опанинг ажойиб ташаббуси ўнлаб махаллаларда акссадо берди. Турмуш қуришганига 50-60 йил тўлган қарияларнинг олтин, кумуш тўйлари ёш келинкуёвларнинг никохдан ўтиш маросимларига қушиб утказила бошланди. Дастлаб, Рахмат бобо Жумаев билан Хидоят момо, Кудрат бобо Магдиев билан Тошбиби ган гап. Утган йили ўнга яқин шундай қушалоқ туйлар утказилдики, самарасини хис этиш қийин эмас. Бўлғуси тўйларга ҳам шу алпозда тайёргарлик кўрилаяпти.

Якинда махалла идораси янги бинога кучирилди. Шу бахонада кексаларга иш топилди. Биргалашиб хувиллаб қолган бинони хордиқ масканига айлантиришди. Ку-

бизнинг махалла

момо, Эшмат бобо Курбонов би-

махалла -

лан Людмила момоларнинг кумуш тўйлари Учкунжон ва Наргизахонларнинг бахт тўйлари бир дастурхон атрофида ташкил этилиши хамманинг қалбида мухрланиб қолди.

Бундай тадбирнинг маънавий томони жуда мухим. Аслида кўп йил умргузаронликдаги оила бамисоли ярақлаб турган кўзгу. Йиллар давомида йигилган удумларимиз намунаси унда мужассам. Қалбларға чўғ солувчи қудратни сезасиз. Жуфтлик тўйлари ана шу оханграбони ёш оилаларга сингдиришнинг энг қулай ва самарали йўлига айланди. Албатта, нуронийларнинг қувончларига-қувонч қўшиш ўша оиланинггина эмас, бутун махалланинг обрўси, кўрки. Еш қалбларда эса оила ўчмас чироқ янглиғ ёниб туриши, қушақаришлик-бахтиёрлик, ҳаётнинг умрбокийлигини белгиловчи энг нозик жараёнлиги мухрланиши турбай бобо Мажидов, Нуритдин бобо Турдиев, Гани бобо Гаффоров, Муродулла бобо Зиёдуллаевларнинг мақсад сари интилишлари худди «Қароқчи чоллар» фильмини эслатди. Албатта, бинони эпакага келтириш хам кўп мехнатни талаб этди. Лекин жихозлашни отахонлар ўз хисобларидан бажаришди. Хозир бу обод манзилда боболарни қайноқ чой хўплаб, гурунг талашиб, шахмат суришаётганда кўрасиз.

Чолларнинг ибрати ёшларга тинчлик бермай қуйди. Қоплонтепа кўчасини хашар йўли билан обод қилишни ўз зиммаларига олишди. Унга Мустакиллик, Самад Гайбуллаев кўчалари хам қушилиб кетдики, энди қишда лой, ёзда чанг босиб ётадиган кўча йўқ. Хар қадамда гўзаллигу, ахиллик самараси мана мен деб турибди.

— Махалла хар биримиз учун азиз ва мукаддас макон, - дея

сўзида давом этади Зухра опа. -Эндиликда унга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ватанимиз бир парчасининг равнаки, гуллаб-яшнаши, ахиллигини таъминлаш ўзимизга боглик. Фаолларимиз, комиссияларимизнинг бош максади хам 2872 жоннинг бошини қовуштиришдан иборат. Албатта, одам бор жойда яхши-ёмон гаплар хам ўтиб туради. Бу табиий хол. Лекин шуниси қувончлики, махалла ахли ўртасида хали хеч ким санманга борган эмас. Бир кишининг шодлиги хаммани кувонтирса, қайғуси барчани ғамга солади.

Хуллас, Зухра опа Олтинова учун махалла одамлар яшайдиган шунчаки маскан эмас, аксинча у тарбия ўчоги, хаёт дарсхонаси. Шу мақсадда махалла ахлининг фикрини қўзгайверади. Эзгу ишларга илхомлантираверади. Гўё ишида чегара ҳам, қўним ҳам йўқдай. 97 оила тадбиркорлик билан шугулланар экан. Ишсизларни айнан шу сохага жалб этишдан асло чарчамайди. Гапираверсак гап кўп. «Буларнинг барчаси раисамизнинг куйинчаклиги, фидойилигидан», дейишади купчилик...

Биз ушбу махаллада хамма иш силлиқ кетаяпти, дейишдан йироқмиз. Аммо, бошқаларға нисбатан ибратли томонлари хакида айтиш, қилинган хайрли ишларни таъкидлашнинг йўриги бошка-да.

> Абдувахоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Узбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Нукус музейи коллекцияси дурдоналари" деб номланган кўргаз-

ма очилди.

Hykyc музейи дурдоналари Тошкентда

Унда музей дурдоналаридан ташқари И.Савицкийнинг Коракалпо**гистон** Республикаси давлат санъат музейида сақланаётган дунёга машхур 189 та коллекцияси хам намойиш этилмокда.

Ушбу кўргазма БМТнинг Узбекистондаги ваколатхонаси, Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Узбекистон Бадиий академияси ва "Нукус музейи дўстлари" деб номлаган нотижорат нодавлат ташкилоти томонидан ташкиллаштирил-

Нукус музейига тегишли коллекцияларнинг айрим кисмлари 1995 йилда Германияда, 1998 йилда Францияда, 2001 йилда эса Италияда намойиш этилган.

> Зебинисо наимова.

Гулистон шахридан «Обод махалла йили» дастури бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмокда.

Кизлар Беллашуви

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан

ўтказилаянти. Якинда шахарда «Махалламиз кизлари» деб номланган курик-танлов булиб ўтди. Унда иштирок этган қиздар уйрузгор юритиш, пазандачилик, миллий ракс, тикувчилик буйнча беллашдилар. Эндиликда шундай курик-тандовдар шахарнинг хар бир махалласида ўтказилади.

¥з мухбиримиз.

Адиб юбилейига багишланди

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Н.Усмонова).

100 йиллигига бағишланган илмий-бадиий анжуман булиб утди.

Унда сўзга чиққанлар юртимизда адиб ижодини хар томонлама ва чукур ўрганишта дастурларига киритилган. Улар ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садокат, фидойилик рухида тарбиялашда мухим ахамият касб этмокда.

Шу куни Ғафур Ғулом номидаги ушбу мактабда адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хакида хикоя килувчи музей очилди.

«ОGU» — 2003» кургазмасига мархамат

6-8 май кунлари «Узэкспомарказ»да 7-халқаро «Нефть ва газ» кўргазмаси ўтказилади.

Унда АКШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Россия, Польша, Саудия Арабистони, Украина каби катор мамлакатларнинг компаниялари ўз экспозициялари билан иштирок этиши кутилаяпти. Катнашчилар орасида «Shell», «Узбекнефтгаз»,

«ENIspa», «Sotragos», «Lukoil», «ТМК» ва бошқа жахонга машхур нефть-газ мажмуалари вакиллари бор.

Бу компаниялар кўргазмада ўзлари ишлаб чиқараётган бургилаш жихозлари, қидириш ва қазиб олиш, нефть ва газни қайта ишлаш, хаво ва газли

компрессорларни таъмирлаш ускуналарини намойиш этадилар. Британиянинг ITE Group PLC компанияси хамда унинг Узбекистондаги хамкори Itesa-Osiyo компанияси кўргазманинг ташкилотчилари хисобланади.

УЛАН АЙТГАНИ КЕЛДИК

Уланлар халқимизнинг зукколиги, чечанлиги ва донишмандлигини ўзида акс эттириши, турли хил қочирим, хазил-мутойиба ва юморга бойлиги билан кимматлидир. Шундан бўлса керак, тўй-томошаларимиз ўлан, айтишувларсиз ўтмайди. Айникса, ўланнинг содда оханги ўзига хослиги, кутилган ташбехларга бойлиги билан тингловчини хайратга солади, завклантиради:

Яхши билан ўйнасанг, Кўнгил бозор. Емон билан ўйнасанг, Кунгил озар.

Халкимизнинг минг йиллар мобайнида айтиб келинаётган бундай гўзал ўланларини саклаб колиш, улар билан бугунги ёшларимизни таништириш хамда уларни келгуси авлодга бус-бутун етказиш борасида Халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази турли тадбирларни амалга ошириб келмокда.

Якинда ушбу марказ пойтахтимиздаги Улугбек номли маданият ва истирохат боги маъмурияти билан хамкорликда «Улан айттани келдик» номли катта тадбир ўтказди. Унда Жиззах вилоятининг Зомин тумани маданият ишлари булими кошидаги даста хамда Тошкент шахар Бек-

темир туманидаги «Гавхар» халқ этнографик ансамбли иштирок этди. Мазкур ансамбллар ўз ўланлари, айтишувлари билан боққа ташриф буюрган юртдошларимизни мамнун этишди. Айникса, аскиячи ва кизикчиларнинг республика куриктанлови голиблари Турсунали Пардаев ва Кимёхон Косимхоноваларнинг ўзаро ўлан айтишувлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Туроб НИЁЗ.

Янги аср таблими:

ИЗААНИШ BA CAMAPA

адрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босхичи талабларига кўра, таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёни юкори сифатли адабиётлар ва илгор педагогик технологиялар билан таъминланиши ло-

Харакат бўлса мақсадга эришиш мумкин экан. Пахтачи туманидаги 23-мактабга янги рахбар тайинлангач, аввало таълим сифатида ўзгариш сезилди. Кейин эса Япония элчихонаси билан алоқа боғланди. Нихоят, Япониянинг "Беминнат ёрдам" гранти қўлга киритилди.

- Ана шу грант бўйича Япония элчихонаси мактабимизга 33,731 минг АҚШ доллари миқдорида замонавий жихозлар, спорт ва техник анжомлар етказиб беради, - дейди мактаб директори Мавжуда Омонова.

Япония гранти хисобидан ажратилган жихозлар ва анжомлар руйхатига куз югуртираман: 8 та компьютер, биттадан принтер ва телевизор, фаоллар зали учун стерео аппаратураси, 6 та тикув машинаси, ўқитувчилар ва ўкувчилар учун алохида-алохида компьютер парталари, стол-стуллари, спорт анжомлари...

- Мактаб биноси ана шундай замонавий жихозлар ва анжомлар ўрнатилишига мосми?

- Синфхоналаримиз ёруг ва кенг, фақат таъмирталаблиги кўнгилни хижил қиларди. Ёзги таътилда мактаб тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Аммо Япония элчихонаси вакиллари мактаб ахволининг Европа стандартлари талабларига жавоб бермаслигини айтишди ва йўл-йўриқлар кўрсатишди. Шу сабаб, 2002 йил октябрининг сўнгги кунларидан қайта таъмирлашга киришдик. Бизга кумак берувчилар хам кўпайиб қолди. Киска вактда асосий би-

нонинг қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. Эндиги вазифа эса "Беминнат ёрдам" гранти жихозлари ва анжомларини қабул қилиб олишдан иборат. Бу эса таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини имкон қадар барвақтроқ тугатишни тақозо этарди. Бажариладиган ишлар каттагина ҳажмда. Жумладан, мактаб ҳовлисига асфальт ётқизиш, спорт залини шиферлаш, бинонинг ташки томонини таъмирлаш, электр ёритгичлари ўрнатиш каби қанчадан-қанча юмушлар бор. Ана шундай дамда тумандаги бир неча корхона ва ташкилотларнинг, фермер хўжаликларининг ёрдамга келишгани диққатга сазовор иш бўлди.

Мактаб жамоасини йиллар мобайнида қийнаб келаётган муаммолардан бири синфхоналарни иситиш эди. Шу пайтга қадар иссиқлик қувурлари мактабдан 197 метр узокликдан ўтарди. Унинг доимийлигини таъминлаш борасида қанчадан-қанча мушкулликларга дуч келинди. Энди эса мактаб ўзининг алохида иситиш тармогига эга.

- Махаллий шароит билан боглик яна бир неча муаммоларимиз қолди, — дея уларнинг энг мухимларини кўрсатади мактаб директори. — Мактабга водопровод ўтказилган. Аммо бир сутка мобайнида бир соатгина сув берилади. Биргина бизда эмас, мактабимиз жойлашган бутун Янгиобод махалласида шундай ахвол. Шунингдек, мактаб буфетида таъминот яхши эмас. Негадир туман умумий овқатланиш корхонасидагилар ўз вазифаларига бефарқлик билан қарашади...

Пахтачининг биргина қишлоқ мактабидаги муаммолар ва уларни бартараф этишдаги ҳаракатлар ҳақида фикр юритдик, холос. Бу билим даргохи ўз жамоасининг харакати билан "Беминнат ёрдам" гранти туфайли мушкул вазиятдан чикиш арафасида. Бошка кишлок мактаблари-чи? Уларни замонавий жихозлар билан таъминлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш кай ахволда? Албатта, бу вилоят халқ таълими бошқармаси, махаллий хокимликлар зиммасига юксак масъулият юклаши зарур.

> Абдурасул САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Уч томонлама видеоконференция

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА).

Тошкент давлат техника университетида ўтказилган уч томонлама видеоконференция Узбекистоннинг иккита олий ўкув юрти — ТДТУ ва Самарканд давлат университетини Германиянинг энг йирик техника университети "Гамбург-Харбург" билан боғлади. Талабаларимиз таникли немис профессорларининг ахборот технологиялари ва энергетика сохасидаги глобаллашув муаммолари хакидаги маърузаларини тингла-

ТДТУда ўтказилган видеоконференцияда мамлакатимизга ташриф буюрган Германия университетлари ректорлари конфедерацияси президенти Петер Гетгенс иштирок этди. Мехмон мамлакатимиз олий ўкув юртларида ахборот технологияларини ўзлаштириш ва ўкув жараёнида қўллаш даражасини юкори бахолади.

Бир хафта давом этган ташриф давомида П.Гетгенс Узбекистоннинг қатор йирик университетларида бўлди, республика таълим тизими рахбарлари билан учрашди. Музокаралар якунларига кўра ўзаро англашув тўгрисида Меморандум имзоланди.

Хужжатда Германия

олий ўкув юртларининг таълим ва илмий изланишлар борасида тўплаган бой тажрибаси Узбекистон таълим тизими учун жуда фойдали эканлиги таъкидланган. Уз навбатида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги муваффакиятлар немис хамкасблар учун ўзаро манфаатли хамкорликнинг янги истикболларини очади. Меморандумга мувофик, томонлар Европа Иттифоки Комиссиясининг "ТА-СИС", "ТЕМПУС" во "ИНТАС" дастурлари бўйича қўшма лойихаларни амалга ошириш ниятида. Узбекистон олий ўкув юртлари профессор-ўкитувчилари учун докторликдан кейинги стипендияларни ажратиш кўзда тутилмокда. Янги педагогик технологиялар ва таълим сифатини оширишга қаратилган услублар сохасида тажриба алмашиш хамда ўкитувчилар алмашишни кенгайтириш режалаштирилган.

Чақалоқ дунёга келди...

Унинг илк «инга»си она кулоги остида хушхабар булиб янграйди. Шу қувончли онларда бошингиз узра парвона бўлаётган шифокорлар кўзингизга фариштадек кўринади. Бу борада гап кетса, Пахтакор туманидагилар марказий шифохонанинг тугурукхона булими шифокор ва хамширалари Абдували Қосимов, Қуралай Душабекова ҳамда Холида Норкулова (суратда) номларини алохида эхтиром билан тилга олишади.

Илхом ТУРАЕВ (УзА) олган сурат.

Cupdapëauk mahamap

Кимдир дарахту гул баргларини, кимдир эса капалаклар тутиб улардан гербарий ва коллекциялар тўплайди. Марка, шиша қопқоғи, сигарет қутилари, турли-туман ёрлиқлар тўплаб борувчиларни хам кўп эшитганмиз. Бу дардни «хобби», бизнинг тилда эса қизиқиш ёки қўндоқда теккан касаллик, деб аташ мумкин.

улистон туманидаги «Уч қахрамон» ширкат хўжалигида яшовчи Абдулла Каримовга хам ана шу дарддан теккан. У футбол фанати. Турмуш ўртоги Буврозия бундан ўттиз йил муқаддам эридаги бу қизиқишни тезда ўтиб кетувчи кўклам ёмгирига ўхшатганди. Тўнгичлари Отабек дунёта келгач, кейинрок эса Ойбек тугилгач ундаги умид аста-секин сўна бошлади. Тетапоя қадам ташлаған Отабекни кутариб стадионга йүл олган эри билан хүп айтишиб кўрди. Эри эса бирикки йилдан кейин Ойбекни кўтариб, Отабекни етаклаб яна стадионга чопишни канда килмади. Ботир, Зохид, Вохидлар туғилган йиллари Буврозия аллақачон эрининг қилиқларига кўникиб, қўлини ювиб, қўлтиғига артишга улгурганди. Келинлик даврида футбол сўзини эшитса юзига тошма тошадиган аёл эндиликда телевизордан футбол томоща қилаётган ўгилларию эрининг ёнида бақамти ўтириб, майдондаги вазият хакида тузуккина тортишадиган бўлиб қолди. Йиллар ўз ишини қилиб улгурди. Бугун у Мадриднинг «Реал» жамоаси Фигу ва Роналдога канча пул тўлашини, инглиз Бэкхем хотини билан нега ажрашганини, Миржалол Қосимовнинг оила аъзоларини ва бошка ўнлаб футболга оид янгиликларни шариллатиб ай-

тиб беради. Энди Абдулла Каримов хакида. Унинг 6 гектарлик фермер хўжалиги бор. Яна бир вазифаси «Уч қахрамон»да спорт йўрикчиси лавозимида ишлайди. Ихтиёрида ижарага хизмат килувчи битта «КамАЗ» автомашинаси, битта стадион ва «Сохибкор» жамоасида тўп сурадиган йигирма нафар йигит бор. Мана бир неча йилдирки бу жамоа вилоят биринчилигида юкори

ўринларни эгаллаб келаяпти. Абдулла Каримов хўжаликнинг кечкурун бўлиб ўтадиган иш таксимлаш йигилишига канда қилмай қатнайди. Унинг йигитлари футболни хам, дала ишини хам қотириб жойига қўйишади. «Арғамчига қил қувват», «Тома-

Орамиздаги одамлар

тома кўл бўлур», «Сиздан угина, биздан бугина» каби мақолу нақлларни у энг керакли пайтда ва керакли одамга махорат билан ишлата олади. Хўжалик ҳам, фермерлар ҳам кези келганда жамоага ҳар томонлама кўмак бериб келаяпти.

«Узбек футболчиларининг жахон чемпионатида қатнашганини кўрсам армоним йўқ...» Бу гапни ҳам у айтган. Унинг кўп таъкидлайдиган яна бир гапи бор. Яъни футболчида нафакат чаккон оёқ, ўткир кўз, балки ор-номус хам бўлиши шарт. Шу ор-номус тўйгуси бўлмаса ҳаммаси бир пул, дейди у.

6 гектар ер. У шу ердан келадиган даромадга қаноат қилади. Нияти йигирма нафар боладан жилла бўлмаганда битта Миржалол даражасидаги спортчи чикариш. Уртоклари кулади. «Э, Абдуллабой, қачон болалигинг қолади? Қачон сенга акл киради...» Бундай саволларга илжайиш билан жавоб қилади. Унинг кўнглини бу ўртоклари

қаёқдан ҳам билсин... Бу футбол жинниси билан шу ерда хайрлашамиз. Галдаги қахрамонимиз лўнда қилиб айтганда ўзига тўқ одам. Вилоятда унинг тўртта шахсий дорихонаси бор. Топиш-тутиши хам шунга яраша. Сирдарё туманидаги Бахт шахрида чоп этиладиган «Бахтнома» худудий ёшлар газетасининг энг асосий хомийларидан бири бўлган Абдуманнон Абдувохидов газета шайдоси. Бош мухаррир Хикматулло Сулаймоновнинг завк-шавкқа тўлиб айтган сўзидан бир

- Бу инсон эрталаб ишни

дорихоналарини кўздан кечиришдан эмас, балки тахририятга бош суқишдан бошлайди. Газета макетидан тортиб, то қанча қоғоз захирамиз қолганлигидан у хамиша бохабар. Янги йил окшоми. 8-март. Наврўз, Матбуотчилар куни, Мустақиллик байрами, Конституция куни, тугилган кунлару журналистларнинг туйхашамлари усиз ўтмайди. Тахририятнинг баъзи бир моддий муаммоларини хал қилиш асосан мана шу инсоннинг елкасида. Усиз биз очиғи қийналиб қолардик. «Машинангизнинг таг қисмлари чириб қолибди. Сизга янги машина керак», десак кулади. «Қачон Сурхондарёдаги «Чагониён» газетаси даражасига етсаларинг, ўшандагина янги машина оламан...»

Дунёда бировнинг пулини хомчут қилиб куришдан осон юмуш йўқ. Уч-тўрт киши ўтириб унинг «Бахтнома» га сарфлаган ҳомийлик ёрдамларини хисоблаб чикиб хайратга тушдик. Кимдир қош чимирди, кимдир «ўҳ-ҳў» дея оғир тин олди.


Якиндан мана шу газета кичик хажмда, 8 бетлик бўлиб чика бошлади. Бунда хикоямиз қахрамонининг катта улуши бор. Юртимизда Абдулла Кари-

мов, Абдуманнон Абдувохидовга ўхшаганлар талайгина. Бундай одамлар бор жойда унум бўлади. Барака бўлади. Улар чопонларининг ўнгири-

да ҳамиша қут-барака уруғла-

рини олиб юришади.

Аликул ХОНИМКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-мактабда халқаро таълим бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС) хамкорлигида «Дўстлик бизни бирлаштиради» мавзуида инглиз тили фестивали

«Дўстлик бизни мидадитиради»

ўтказилди.

Хорижий тилларни чукур ўрганишга ихтисослашган мазкур мактабда бундай фестивалларни ўтказиш анъанага айланган. Галдаги фестивалда пойтахтнинг бир қатор мактаблари ўқувчилари қатнашиб, инглиз тилини пухта эгаллаганликларини намойиш

этишди. «Туркистон-пресс».

...ADAOOAap

Бокийликдан

«сўйлар» дўмбира...

қадим-қадимга тақалади. Азалдан қўлига дўмбира олган

бахшининг давраларда достон ва термалар айтиши анъана-

га айланиб келган. Бахшичилик Самарқанд, Қашқадарё, Сур-

хондарё вилоятлари одамларига хосдир. Негаки, бу вилоят-

ларда ахолининг аксарияти чорвачилик билан шуғулланиб

келган ва бахшичиликнинг ривожи хам шу соха ахлининг

ота-боболаримиз анъаналарини асрашга алохида эътибор

қаратмоқда. Туманнинг Тим қишлоғида Мамай бахши Эр-

гашевнинг дўмбирачилар мактабини ташкил этиши хам

фикримиз исботидир. Айни чогда ушбу мактабда 10 нафар

ёш дўмбирачи қадимий бахшичилик сирларини ўрганмоқда.

Бундан ташқари ушбу қишлоқда фольклор-этнографик дас-

танинг бахшичилик анъаналарини давом эттириши хам

қувончлидир. Бу эса халқимиз азалий анъаналарининг бо-

СУРАТДА: Хикмат бахши Мусурмонов набираси Бўрибой

Нуробод тумани ахолиси бахшичиликни эъзозлайди ва

турмуш тарзига монанд ва уйгунлашгандир.

қийликка бошлашидан далолат беради.

Бахшичилик - халқона санъат услуби. Унинг яралиши

Исмсиз богларда кезинди жисмим, Багримда юмилди гуллар неча кеч. Рангсиз бир жумлани шивирладим жим, Мени севганмидинг хаётингда хеч.

билан.

Бу тўртлик истеъдодли ёш шоира Нигора тўртлик истеъдодли Усмонова каламига мансуб. Эътибор беринг, махзун сатрлар ўкувчини хаяжонга солади. «Исмсиз богларда кезинди жисмим» сатрларида шоира «бог» деб дунёни, тирикликни назарда тутгандек, ана шу дунёни кезиб хаётдан нима нимани кутаетганини, ахтараётганини гўё англаб-англамагандек. Шундан балки унинг боглари «исмсиз»дир.. «Багримда юмилди гуллар неча кеч» сатрларида эса шоира учар йилларнинг бетўхтов айланиши, бахорлар кетидан бахорлар келиши, ғунча гулга, гул хазонга айланишини инсон умрига қиёсламоқчи бўлгандир... Кейинги мисрада унинг қалами «рангсиз бир жумла»ни шивирлайди. Энди ўйланиб ўтиришга сабримиз чидамай, уни тезрок ўкиб билгимиз келади, шошиламиз:

«Мени севганмидинг хаетингда хеч». Мана охирги ургу, энг сўнгги зарба. Зарба-ки кўплар-

нинг куксидан зурикиб чик-

қан савол. Ижодкор юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан бу савол сатрларга кўчгунича балки кўп йиллар ўтгандир. Шоира хеч қачон овоз чиқариб айтолмаган сўроклари бу сафар хам жавобсиз қолишини билади, шунинг учун хам у бошданоқ ўқувчини, тўгрироги, ўзини шунга тайёрлайди. Кўп йиллар давомида худди бир қушиқни хиргойи қилгандай бўлади, назаримизда. Шу боис хам у «мени севганмидинг» сўзларини «рангсиз жумла» деб аташидан қатыи назар бу рангсиз жумла унинг хаётига айлангани, ижодкор борлигининг бир бўлаги, хаётига ранг киргизиб турувчи бўлаги эканлиги ўкувчига аён бўлади. Бир ўкишда қулоққа оддий туюладиган бу сатрларнинг кучи унда зўрмазўракиликка интилиш йўклигидадир. Бундай шеърлар эса Ни-

гора шеъриятида куп учрайди. Унинг шеърлари суйган ва куйган юракнинг, мехрга талпинган кунгилнинг сувратидир. Шоиранинг «Умидларим ғунчалар саҳар» номли шеъэтган Зебо Мирзо шундай «Нигоранинг шеърларида

рий китобини нашрга тавсия

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА.

Тохир НОРКУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

мусаввирона рух бор. У Сўзларни ушлаб кўради ва хароратини сезади, хамда ўз рухияти рангларига мослаб теради. У ёзмайди, балки чизади. Бу чизгилар ичидан сиз ўзлигини излаётган ва ўз кўнглига мустахиқ Аёл тасаввурини илгайсиз... Бу ичкинлик сизга ёкади.

Сўзлар хароратини хис қиласиз. Бу ҳарорат тобора оловланиб бораётганини-да туясиз ва чучийсиз.

Уз кўнглида ёнаётган Аёл сўзлари юрагингизни уйготиб юборади.

Нигора Сўз юкини кўтаришга чиққан йўлчига ўхшайди. Хали олдинда узоқ йўл бор. Унинг юраги ва максади бу огир юкни кўтаришга қодирлик туяетганига ишонгимиз келади...»

Минг эшитгандан бир бор кўрган афзал. Яхшиси, Нигора Усмонованинг мазкур тўпламини ўқиб чиқинг-а. Бошингиз устидаги осмон хам, оёгингиз остидаги ер хам хайратга айланиб, юрагингизга окиб кира бошлайди.

и. турсунова.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРКШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Ректорати 2002/2003 ўкув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ташкилотлар билан келишилган холда шартнома асосида ишга юбориш жараёни бошланганлиги тўгрисида хабар килади. Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга сиз рахбарлик килаётган муассасангизда эхтиёж бўлса, 25 майгача таклифлар беришингизни сўраймиз. Жадвалда вилоятлар микёсида институтимизни тугатаётган, иккита шарк ва битта ғарб тилини мукаммал эгаллаган ёш мутахассислар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Манзилимиз: 700000, Тоткент тектом, «Пектомобом кучасть 25-уй

MEDICOTRUT EXTENSION OSTITUMENTO

186-15-24, Person 120-65-65, 186-15-24. Телефон:

БАКАЛАВРИАТ

Nº	Йўналишлар номи	Жами	Шу жумладан, вилоятлар бўйича													
			Тошкент	Тошкент	Фаргона	Наманган вилояти	Андижон вилояти	Бухоро	Сурхондарё	Кашкадарё	Хоразм вилояти	Самарканд	Жиззах	Навоий вилояти	Сирдарё	Қорақалпоғис- тон Респуб.
1.	Шарқ филологияси	160	129	10	6		2	4	1		2	2	2	1	1	
2.	Хорижий мамлакатлар тарихи	24	17	4	1	-	-	-	-	-	-	2		-	-	-
3.	Марказий Осиё халклари тарихи	24	22	1		-	-	1	-	-	-		-			-
4.	Минтакашунослик	81	73	3	1		-	-	-	1	1	1	-	1		-
5.	Халкаро муносабатлар	84	58	8	3	-	1 * 6	8	-	2	-		1	1	2	-
6.	Диншунослик	40	31	3	4		+	-	1		-	1		-	-	
7.	Халкаро иктисодий муносабатлар	75	53	3	5		1	-		2	4	5	-	-	-	2
	Жами	488	383	32	20		3	13	2	5	7	11	3	3	3	2

NΩ	Йўналишлар номи		Шу жумладан, вилоятлар бўйича														
		Жами	Тошкент шаҳар	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Наманган	Андижон вилояти	Бухоро	Сурхондарё вилояти	Қашқадарё вилояти	Хоразм вилояти	Самарқанд вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Сирдарё	Қорақалпоғис- тон Респуб.	Чет эллик
1,	Таржима назарияси																
2.	ва амалиёти Лингвистика Чет мамлакатлар	5 28	3 24	2	1 2		-	-	-								
4.	тарихи Марказий Осиё	15	14	1		-		-	-							-	
	тарихшунослиги ва тарихий манбашунослиги	8	2	2	2	-		-		1			1				
5.	Исломшунослик	9	8			1		*		*				-		-	
3.	Халкаро муносабатлар	27	23	1		-	2	1 .									
8.	Адабиётшунослик Адабий манбашунослик	9	7	1											1		
	ва матншунослик	6	4 37	2		-	-			*							-
9.	Минтақашунослик Жахон иктисодиёти ва халқаро иктисодий	51	37	6	3	1		1							.1		
	муносабатлар	34	23	4	3	-	-	-	1	1		1					1
11.	Маркетингни бошқариш	14	23 13	1		-	-		-	-			-		-	-	-
1	Жами	206	158	20	11	2	2	3	2	2	1	1	1		2		1



ХАЛҚ БАНКИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАХАР ФИЛИАЛИ

танлов асосида куйидаги лавозимларга ишта таклиф этади:

валюта айирбошлаш шохобчаси бухгалтер-назоратчиси; 🖈 валюта айирбошлаш шохобчаси кассири.

Танловда катнашувчи номзод:

валюта айирбошлаш шохобчаси бухгалтер-назоратчиси, олий ёки ўрта махсус иктисодий маълумотли; валюта айирбошлаш шохобчаси кассири, ўрта махсус иктисодий маълумотли;

- компьютерда ишлашни билиши (Windows, Microsoft Word & Excel); - Тошкент шахрида доимий руйхатда қайд этилган бўлиши шарт.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., «Халклар дўстлиги», 6-уй. Телефонлар: 45-35-44, 45-35-52.



РАДИОСТАНЦИЯЛАР, РАДИО АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ВА МИНИ-АТСЛАРНИ Тошкентдаги омборидан

ва "буюртма бўйича" ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ. СОЗЛАЙМИЗ.

Лиц. АА 0000083 Тел.: (998-712) 53-02-76. Факс: (998-712) 53-31-76. E-mail: kvant@tps.uz



9.00 дан 18.00 гача

132-10-63

242-хона

«Халк сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

Бош мухаррир Аббосхон **УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб -

«Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбоса-

ри - «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ,

С. МУХИДДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ

(масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. ЎТБОСАРОВ. О. ҚАИПБЕРГЕНОВ

(бош мухаррир ўринбосари - «Народное слово») А. ХАЙДАРОВ,

ў. хошимов.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хаёт — 133-57-34; 133-78-92

136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат -

136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтакалар

133-52-55; Фан, соғликни сақлаш, таълим ва туризм -

133-10-17; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт

132-11-15; 132-12-08

Котибият -133-10-28;

136-09-25.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001-ракам билан руйхатга олинган.

Буюртма $\Gamma - 428$, 29565 нусхада босилди, хажми - 2 табок. Офсет усулида

босилган. Қоғоз бичими А-2.

> Газета тахририят компьютер базасида терилди хамда операторлар ж. тоғаев ва А. БОЛТАЕВ томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи мухаррир Б. ЭГАМКУЛОВ. Навбатчи -С. ХАЙДАРОВ. Мусаххих — Б. ФАЙЗИЕВ.

манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул килинмайди. тижорат материали

Company of the Company of the Company «Шарк» нашриётматбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Босишга топшириш вақти — 21.00. Tопширилди — 3.40

«Буюк Турон»

кўчаси, 41.